



## КОНСТИТУЦИЯ — ФАРОВОН ХАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

*Мамажанов Жаҳонгир Жамолиддин ўғли*  
*Айтимбетов Уткир Пулатович*

**Калит сўзлар:** конституция, конституциявий норма, конституциявий қонун, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, профилактика.

**Аннотация**—конституциявий нормаларнинг ҳуқуқий давлатда тутган ўрни ва ахамияти, фуқаролик жамиятининг асосий белгиси сифатида намоён бўлиши, давлат томонидан фуқароларнинг тинчлиги осойишталаги ва фаровонлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкининг хавфсизлигини самарали таъминлаш, мақсадида ишлаб чиқиладиган қонуности ҳужжатларининг пойдевор эканлиги, шундай экан фуқароларимизга конституция ва конституциявий нормаларга сўзсиз риоя этишларини, ёшларни конституция ва унинг нормаларига риоя этишлари ва республиканинг исталган жойида конституциявий ҳуқуқларидан фойдалана олишлари тушунтириб ўтилган.

**Annotation** - the role and importance of constitutional norms in a legal state, manifestation as the main sign of civil society, ensuring the peace and well-being of citizens by the state, effectively ensuring the security of the property of individuals and legal entities, and the fact that it is the foundation of legal documents developed for our citizens it was explained that they will strictly follow the constitution and constitutional norms, that young people should follow the constitution and its norms, and that they can use their constitutional rights anywhere in the republic.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Конституция ва бқонунларимизда, айниқса, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий нормаларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, унинг ҳаёти, соғлиғи, кадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари устувор вазифалардан бирига айланди. Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш асосий вазифамиз ҳисобланди. Бугунги кунда ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш мамлакатимизнинг мақсади, балки унинг вазифаси, энг олий бурчи



ҳисобланади.<sup>1</sup> Шу билан бир каторда давлат бошқарувига Ш.М.Мирзиёевнинг келиши билан Ички ишлар органлари соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар замирида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг тичлиги, осойишталиги, ҳаётининг фаровонлигини, соғлигини, мулкӣ ҳуқуқларини таъминлаш жараёнида қўлланиладиган усул, услуб ва воситалар, уларнинг қўлланилиш принципларида рўй бераётан жамийки ислохотлар фақатгина фуқароларимизнинг манфаатларига хизмат қилиб келмоқда десак ҳеч муболаға бўлмайдӣ.

**Конституцияий норма** – асосий ижтимоий муносабатларни тартибга солувяи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси ҳуқуқ тизимининг йетакчи соҳаси. Конституциявий ҳуқуқ нормалари давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсий ва ҳудудий тузилишини, унинг фуқаролик жамияти институтлари билан муносабатларини тартибини, фуқаро ва шахс ҳуқуқ ҳамда эркинликларини аиалга оширишнинг асосий тамойилларини, давлат ҳокимяти органлари тизимини белгилайди.

**Конституция** – давлатнинг асосий қонуни унда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари эълон қилинади, эътироф этилади ва қафолатланади давлат бошқаруви шакли ва ҳудудий тузилиши ҳокимят марказий ва жойлардаги маҳаллий органларни ташкил этиш тизими ва уларнинг ваколати белгилаб қўйилди. Шунингдек, ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари ва суд ҳокимяти органларининг тузилиши тартибга солиб турилади, сайлов тизими давлат рамзлари ва конституцияга ўзгартиришлар киритиш тартиби белгиланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар замирида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тамойилига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда 10 та жиноятнинг иссиқ изини очгандан қўра 1 та жиноятнинг олдини олган афзал.

Жамиятимизда фуқароларни қонунга итоаткор руҳда тарбиялаш ва уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини уларнинг осойишта турмуш-тарзини таъминлиш мақсадида турли-ҳил ички идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилади. Ушбу доирадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барчаси

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикаси Конституция-сининг 24 йиллик тантанали маросимдаги марузаси. –Ҳалқ сўзи, 6 дек. 2016 йил.



Ўзбекистон Республикасининг конституциясига ва халқаро шартномаларига мос келиши талаб этилади.

Хусусан олиб қараганда қонунчилик жараёнида икки томонлама ёндашув назарда тутилади:

**Биринчи томондан**, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар конституция орқали мустаҳкам таянчига эга бўлади ва унинг ижро этилиши барча учун мажбурият юклайди. Маълум бир даражада жинсий ёки маъмурий жавобгарликлар келтириб чиқаради.

**Иккинчи томондан**, эса фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, шахс, жамият ва давлат манфаатларини бош қомусимиз конституция орқали мустаҳкамлаб қўйилиши, инсон унинг шаъни, ор-номуси, кадр-қиммати, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини биринчи ўринга қўйилиши, ҳеч бир шахс ёки ҳеч қайси орган қонунда белгиланмаган тартибда ва суднинг қарорисиз фуқароларнинг эркинликларини чеклаши мумкин эмаслиги қатъиян мустаҳкамлаб қўйилди (қонунчилигимизда белгилаб қўйилган тартибда жиноятларни олдини олиш, тўхтатиш мақсадида ушлаб туриш бундан мустасно).

Бугунги кунга келиб ривожланган демократик замонда барча фуқароларнинг ҳуқуқларини конституция орқали таъминлаш балки, жиноятчиликда айбланаётган, ёки гумон қилиниётган шахсларнинг ҳам ҳуқуқлари конституцияда белгилаб ўтилишини талаб этмоқда. Хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2733-сонли Қарорининг 1-бандида давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири этиб давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш белгиланганди.

Ушбу қонуннинг қарор қисмида эса давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари раҳбарларига ҳар йили кўрсатиб ўтилган органлар ва ташкилотлар фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш бўйича ишлар тўғрисида юридик хизматнинг ҳисоботини эшитиш бўйича шахсий жавобгарлик юклатилди.<sup>2</sup>

---

<sup>2</sup> Ўз. Рес. Президентининг 2017 йил 19 январдаги «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2733-сонли Қарори



Бундан ташқари 2023-йил 30-июнда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси конституциясига ҳам қўплаб ўзгартиришлар киритилди. Мисол тариқасида 29-моддасига шахсларнинг процессуал жараёнлардаги ҳуқуқлари киритиб ўтилгин бўлиб, улар қуйидагилардан иборат ҳисобланади:

ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилади.

ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи айбловнинг моҳияти ва асослари тўғрисида хабардор қилиниш, унга қарши ёки унинг фойдасига гувоҳлик бераётган шахсларнинг сўроқ қилинишини талаб этиш, таржимон ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга.

ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жабрланганларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлайди, уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, бугунги кунда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар фақат ва фақат инсон омили учун хизмат қилади. Президентимиз айтганларидек “ҳалқ давлат органлари учун эмас давлат органлари халқ учун хизмат қилиш” таъмойили асосида ўз фаолиятларини амалга оширишлари лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси янги таҳрир 2023-й.
2. Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодекси
3. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси).



4. <http://пресс-сервисе.уз/уз> Ўзбекистон Республикаси президентининг расмий веб-сайти.
5. <http://натлиб.уз> ( Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоий Номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси).
6. <http://акадмвд.уз> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси).
7. <http://зиёнет.уз> (Зиёнет порталли).
8. <http://утубе.уз/ру> (утубе.уз таълим видеопорталли).
9. <http://боок.уз/> (Елеклрон адабиётлар кутубхонаси).
10. <http://www.хс.уз> («Халқ сўзи » газетаси).